**Shu aziz VATAN — barchamizniki!**

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2011-yil, 20-yanvar. Payshanba ● 9 (31.285) **Ijtimoiy-siyosiy gazeta** ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# Кичик ва оилавий бизнесни ҳамда инновацияларни рағбатлантириш —

## иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасида «Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди», деб таъкидланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилар экан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт», деб алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан жорий йилнинг 18-19 январь кунлари Тошкент ва Бухоро вилоятларида «Кичик ва оилавий бизнесни ҳамда инновацияларни рағбатлантириш йўллари» мавзуида ташкил этилган семинарларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, оилавий бизнесни ҳамда илғор ғоя ва таклифларга асосланган ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этишни рағбатлантириш йўллари муҳокама қилинди.

Семинарларда Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий ўсишни ва унинг барқарорлигини таъминлашда, иш ўринлари ташкил этиш ҳамда бандлик, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим роль ўйнаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бутун чоралар билан қўллаб-қувватланаётгани ва рағбатлантирилаётгани қайд этилди.

Муҳокамалар асносида таъкидланганидек, агар 2000 йилда бандликни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қулай муҳит яратилиши натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йил якунига келиб бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётдаги жами ишловчиларнинг 74 фоиздан ортиғи ушбу соҳада банд бўлиб, 2010 йилнинг ўзидагина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 480 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ушбу масалаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, Тошкент ва Бухоро вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар қилинган. 2010 йил 9 ойи давомида Тошкент вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тузилмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши тегишинча 55,6 ва 5,9 фоизни, Бухоро вилоятида 61 фоизни ташкил этган ёки ўтган йил шу даврига нисбатан 1,3 фоизга кўпайган.

*(Давоми 2-бетда.)*

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



# Демократик ислоҳотлар самараси

## сиёсий фаоллик ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташкил этган семинар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда партия ташкилотлари ва депутатлари иштирокини кучайтириш масалаларига бағишланди.

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида ўтказилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий Кенгаш аъзолари, экспертлари ва масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари иштирок этди.

— Сиёсий фаоллик ва ҳуқуқий маданият тушунчалари бир-бири билан ўзаро боғлиқ, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Демократик ислоҳотлар ҳаётда қанчалик даражада ўз самарасини бериши ҳам кишиларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллигига боғлиқ. Шу сабабли биз электорат вакиллари орасида иш олиб бораётганда бу масалаларга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

— Ҳуқуқий маданиятни кучайтириш масалалари билан кўплаб давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари шуғулланади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова. — Биз улар билан фаол ҳамкорликда иш олиб боришимиз ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Айниқса, партиямизнинг ижтимоий шериклари билан қўшма дастурлар ишлаб чиқсак, шу асосда ташкил этилган тизимли ишнинг самараси ҳам юқори бўлади.

— Фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш сиёсий партиялар фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Айниқса, электоратнинг сиёсий маданияти, фаоллиги биз учун жуда муҳим. Шундай экан, бу масалада партия ташкилотлари ва депутатларимиз ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

— Бу йўналишларда маҳаллаларда ноанъанавий усулларда иш олиб бориш юқори самара беради, — деди Зангиота туман партия кенгаши раиси Хайрулла Малилов. — Қуруқ гап ҳеч кимга керак эмас. Ҳар бир масала одамларнинг бугуни ва эртанги куни билан боғлаб тушунтирилиши керак. Маҳаллада кишиларнинг аниқ саволлари бор. Албатта, улар ўзларини қизиқтирган масалаларга малакали жавоб олишни истайди. Шу орқали сиёсий фаоллиги ҳам, ҳуқуқий маданияти ҳам ошиб боради.

Семинарнинг иккинчи қисми интерфаол усулда ташкил этилди. Иштирокчилар мавзу юзасидан амалий баҳс юритдилар.

**Асли КАМОЛ**

### Эътироф

*Маҳалла — Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг ноёб институтидир. Маҳалла ўз фаолиятида одамларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари ва манфаатларини ифодалайди. У халқнинг ўзига хос овози ҳисобланади. Мамлакатингиз Президентининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янги ва кучли омил бўлади. Мамлакатингизда маҳалла, сиёсий партиялар роли янада ошади».*

**Вольфганг ШРАЙБЕР,**
***«Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти (Германия)***

### Янгиликлар

## Малакали тиббий хизмат

Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмасида замонавий бино фойдаланишга топширилди.

Бу ерда Италия, Россия каби давлатлардан келтирилган УТТ, эндоскопия ва рентген каби замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилиши боис, беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, аниқ ташҳис қўйиш имконияти яратилди.

*Микрокредитбанк:*

## Ёшларга имтиёзли кредитлар

Тошкент бизнес коллежи битирувчиси Гулираъно Камолова Олтинкўл тумани марказида «Гулираъно умид юлдузи» хусусий салонини очди.

Мебель ва ускуналар учун «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими томонидан 8 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

2010 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими томонидан касб-ҳунар коллежларининг ўн нафар битирувчиларига умумий қиймати 27 миллион 200 минг сўм кредит маблағлари ажратилди.

Жорий йилда банк 50 миллион сўм кредит маблағларини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ажратишни режалаштирмоқда.

## 500 янги иш ўрни яратилади

Марҳамат туманидаги «Марҳамат ип-йигирув» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот сифати ошди.

Бу ерда тайёрланаётган ип-калаваларга буюртмалар кўпайди.

2010 йилда корхонада 1500 тонна ип-калава ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларнинг асосий қисми Хитой, Россия ва Туркия давлатларига экспорт қилинди. Хорижлик мутахассислар бу ерда тайёрланаётган ип-калаваларнинг сифатини юқори баҳоламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилиши режалаштирилган. Шундан сўнг мазкур корхонада 500 янги иш ўрни яратилади.

### Фикр



**Камолиддин АКРОМОВ,**

*ЎзХДП Олмазор туман кенгаши раиси:*

— Президентимиз илгари сурган Концепция сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада оширади.

Биз мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш учун ҳудудларда электоратимиз дуч келаётган муаммоларни чуқур ўрганишимиз, партия экспертлари ишини талаб даражасида жонлантиришимиз зарур. Шунда Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз чуқур таҳлилларга асосланган масалаларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш имконига эга бўлади.

Энг муҳими, ўз ишимизни бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш лозим. Янги ташаббус ва асосли таклифлар орқали белгиланган вазифаларни бажаришга эришиш мумкин.

### Диққат, янги рукн!



Президентимиз янги йилимизга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном бериб, унинг мазмун-моҳияти ва бу борада учраётган муаммолар ҳақида жумладан, шундай деган эди: **Жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.**

Таҳририятимиз 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан **«Ўз бизнесимни очмоқчиман»** рукнини ташкил этди. Бундан кўзланган асосий мақсад, эндигина бизнес соҳасига кириб келаётган, яъни бошловчиларга йўл-йўриқ кўрсатишдир. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Сиз ўз бизнесингизни бошламоқчимисиз? Бу борада сизга албатта ҳуқуқий маслаҳат зарур. Ўшандагина адашмайсиз. Хато қилмайсиз.

Бугундан бошлаб газетамизда сизни қийнаётган муаммолар, тушунмаётган масалаларингиз бўйича саволларингизга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари, маҳаллий ҳокимиятлар масъул ходимлари жавоб беришади.

***Саволларингизни хат, телефон, факс, электрон почта орқали юборишингиз мумкин.***

***Мурожаат учун телефонлар:*** 233-79-14, 233-12-56;
***факс***: 233-65-45.
***Электрон почта:*** info@uzbekistonovozi.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 18 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1625,66 | 1 Миср фунти | 284,14 | 1 СДР | 2548,61 | 10 Жанубий Корея вони | 14,78 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2610,98 | 1 Канада доллари | 1666,91 | 1 Туркия лираси | 1062,85 | 10 Япония иенаси | 198,77 |
| 1 БАА дирҳами | 448,53 | 1 Хитой юани | 249,90 | 1 Швейцария франки | 1708,58 | 1 Россия рубли | 55,00 |
| 1 АҚШ доллари | 1647,41 | 1 Малайзия ринггити | 539,16 | 1 Евро | 2150,47 | 1 Украина гривнаси | 207,14 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



# Мақсад аниқ, фақат дадил ҳаракат зарур

2010 йил ЎзХДП Фарғона вилоят ташкилотида сезиларли ўзгаришлар йили бўлди. Партиянинг шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари бир ғоя ва мақсад атрофида янада жипслашди. Сайловолди режаларни бажариш учун амалий ҳаракат қилинди. Бу мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайиб бораётгани, вилоят ҳамда айрим шаҳар, туман партия кенгашларида ўтказилган навбатдан ташқари ташкилий пленумлар, кадрларни мустаҳкамлаш жараёни билан ҳам боғлиқ.

Биз вилоят партия кенгаши раиси **Маҳмуджон Маҳкамов** билан ана шу ўзгаришлар ҳамда янги йил режалари ҳақида суҳбатлашдик.



— Аввало шуни таъкидлаш керакки, Президентимиз илгари сурган Концепция мамлакатимизда демократик янгиланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, Конституциямизга киритилаётган ўзгартишлар сиёсий партияларнинг жамиятда таъсир кучи, обрў-эътибори ошишига хизмат қилади.

Сиёсий партияларга берилаётган ҳуқуқ нафақат марказда, балки жойларда ҳам ижро ҳокимияти идораларини шакллантириш, амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда фаол иштирок этиш имконини кенгайтирмоқда. Шунинг учун биз партиямиз Ҳаракат дастурида аниқ-равшан йўналишларни белгилаб олдик.

Мазкур шароитда маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича сессия ва доимий комиссиялар мажлислари муҳокамасига электоратимиз манфаати билан боғлиқ ижтимоий масалаларни киритиши муҳим аҳамиятга эга. Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларидаги экспертлар гуруҳлари муаммоларни чуқур таҳлил қилдилар ҳамда натижалар ҳар бир депутатга тақдим этилди. Масалан, Бешариқ туманида «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш» масаласи ўрганилиб, халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига таклиф этиш учун тайёрлаб қўйилди.

**— Айтинг-чи, депутатлик гуруҳларимиз мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларга тайёрми? Улар фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ўзларига муносиб ўрин топган, деб ҳисоблайсизми?**

— Президентимиз ислоҳотларнинг муваффақияти биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, мамлакат тақдири ва келажагига дахлдор ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлади. Зиммамиздаги вазифаларни адо этишда депутатлик гуруҳларининг мавқеи катта бўлади. Вилоятда маҳаллий Кенгашларга ЎзХДПдан сайланган депутатлар 247 нафарни ташкил этади. Бу жуда катта куч. Учкўприк, Олтиариқ туман, Марғилон шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаоллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Олтиариқ туманидаги депутатлик гуруҳи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш масаласини ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, туманда шу йўналишда кичик корхона ташкил этиш мақсадида бир қанча кишилар ҳаракат қилган ва турли тўсиқларга дуч келишган. Депутатлик гуруҳи уларнинг ҳар бирига аниқ-равшан бизнес-режа ишлаб чиқиш, молиявий манбаларни аниқлаш, замонавий кичик технологиялар келтириш масалаларида кўмаклашди. Мақсад — янги иш ўринлари очишда ҳамкорлик қилиш эди.

Аммо очиқ айтадиган бўлсак, биз ҳалигача депутатлик гуруҳларининг ваколатларидан самарали фойдалана олмаяпмиз. Айрим депутатларнинг партия кенгашлари билан алоқалари узилиб қолган. Партия вилоят кенгаши ҳар бир депутатлик гуруҳи ишини партия фаоллари иштирокида муҳокама қилди. Фарғона, Қўштепа, Риштон каби туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятига танқидий баҳо берилди. Мазкур туманларда депутатлар учун ўқув ташкил этилди. Уларнинг экспертлар гуруҳи билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Ҳали бу борада қиладиган ишлар жуда кўп. Қўйилган вазифаларни бажариш учун масъулиятни, ташаббускорликни ошириш талаб этилади.

**— Демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бориши сиёсий кучларнинг фаолият услубларини такомиллаштиришни талаб этмаяптими?**

— Албатта, шундай. Энди мақсад йўлида самарадорликка эришиш, бу борада қонун билан берилган барча имкониятларни ишга солиш зарур. Масалан, электорат манфаатини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири. Ёки минтақавий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилиб, муҳокама қилинаётганда ижтимоий масалалар юзасидан бошқа сиёсий партиялар билан амалий баҳс-мунозарага, изчил рақобатга киришиш зарурати кучайди. Бунинг учун сиёсий, иқтисодий таҳлиллар, амалий баҳс-мунозара олиб бориш, Юртбошимиз илгари сурган вазифаларни атрофлича ўрганиш бўйича ташкил қилинаётган ўқувлар доирасини кенгайтиришимиз лозим. Ҳаракат дастурини ишлаб чиқишда шу каби масалаларни қамраб олдик.

**— Партиянинг Сайловолди дастурида аҳолини муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринлари билан таъминлаш устувор масалалардан бири деб қайд этилган...**

— «2010 йилда янги ишчи ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»га кўра, вилоятда салкам 100 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Лекин касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланишини ўрганганимизда, қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланганди. Жумладан, режа ўтган йилнинг тўққиз ойида Ёзёвон туманида 35.3, Риштон туманида 29.9 фоизга бажарилган, холос. ЎзХДП вилоят кенгаши ишчи гуруҳлар тузиб, бу камчиликлар бартараф қилинишини ўз назоратига олди.

Ижтимоий ҳимоянинг энг самарали йўли одамларни иш билан таъминлашдир. Шундай экан, вилоят партия ташкилоти «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш» дастури тўлиқ амалга оширилишида фаол иштирок этади. Бу йил касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларининг 45 мингга яқин битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришни алоҳида назоратга олдик. Кичик корхоналар, микрофирмалар ва хусусий, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, шу йўл билан янги иш ўринлари яратишда ҳар жиҳатдан ҳамкорлик қилиш муҳим вазифамиздир.

**— Айримлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ЎзХДПнинг сиёсий майдондаги рақиблари бўлган сиёсий кучларнинг ғоя ва мақсадига мос демоқда...**

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишидан ҳамма манфаатдор. Кичик бизнес, тадбиркорлик ривожи аввало янги иш ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ. Мунтазам иш эса ижтимоий ҳимоядир. Демак, биз кичик бизнес, тадбиркорлик соҳасида янги корхоналар, ишлаб чиқариш тузилмалари ташкил этилиши, уларга замонавий технология кириб келиши, шундай йўл билан янги иш ўринлари яратилишини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаймиз. Дарвоқе, 2011 йилда Фарғона шаҳар, Бувайда, Бешариқ ва Данғара туманларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш натижасида очилган янги иш ўринларига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича жойлаштириш масаласини алоҳида назоратга олишни кўзда тутганмиз.

Партиямиз фаолларидан бири, туман Кенгаши депутати Муҳамадали Эшонқулов ташаббус кўрсатиб, Фурқат туманида сиғими 450 тонналик мева ва сабзавот сақлаш совуқхонаси ташкил этилмоқда. Унга Туркиядан ускуналар келтирилиб ўрнатилади ва шу йилнинг биринчи чорагида ишга туширилади. Шу тариқа корхонада 25 та янги иш ўрни яратилади. Ҳозир қишлоқнинг йигит-қизлари ўзлари танлаган мутахассислик бўйича малака ошираяптилар. Биз эса электоратимиз манфаатига хизмат қиладиган бундай ташаббусларни доим қўллаб-қувватлаймиз.

**Суҳбатдош:**
**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**



# Кичик ва оилавий бизнесни ҳамда инновацияларни рағбатлантириш —

## иқтисодий барқарорликнинг муҳим омили

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Шу билан бирга, бу вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини таҳлил қилиш ва муҳокама қилиш асносида мазкур соҳани ривожлантиришнинг аҳволига танқидий баҳо берилди. Оҳангарон, Паркент, Пешку, Олот, Шофиркон, Ромитан, Бухоро туманларида кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ташкил этиш, соғлом ва самарали тадбиркорлик муҳитини яратишдаги янгиликларни рағбатлантириш масалаларини жиддий қайта кўриб чиқиш зарур. Пешку туманида 1183 та, Паркент туманида 276 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти инфратузилма хизматлари даражаси пастлиги, кредит маблағлари олишдаги қийинчиликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги сабабли ўз фаолиятини тугатган.

Муфассал таҳлил ва муҳокама асносида семинар қатнашчилари кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳани ривожлантириш учун берилган имтиёз ҳамда преференцияларнинг самарадорлигини ошириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани танқидий баҳолаш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни кредит билан қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шунингдек, семинар қатнашчилари ердан фойдаланиш, архитектура-қурилишни ривожлантириш, кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, рухсат бериш тартиб-таомиллари масалаларини ҳал қилиш борасида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг масъулиятини амалда ошириш, шунингдек, тушунтириш ишларининг янги ва самарали шакллари ҳамда усулларини жорий этишни, кичик, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига консалтинг ва бошқа хизматлар кўрсатишни жиддий такомиллаштириш зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар.

Семинарлар ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вакиллари, шунингдек, олимлар ва олий ўқув юртлари мутахассислари, Бухоро ва Тошкент вилоятлари маҳаллий ҳокимият ва бошқаруви органлари раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

**(ЎзА)**

### ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

# Эътибор ва ёрдамдан одамлар мамнун

— «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қиламан, — дейди Раиса Валиулина. — Ёшим 50 да. Ёлғизлигим сабабли қийналиб қолдим. Ўтган йилнинг баҳорида ЎзХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Партия фаоллари арзимни тинглаб, ёрдам беришди. Туман ижтимоий таъминот бўлимидаги махсус рўйхатга киритишди. Партия фаоллари ҳамиша хабар олиб туришади, байрамларда совға-саломлардан кўнглим тоғдек кўтарилади. Улардан миннатдорман...

Бугун Жарқўрғон туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида бундай илиқ сўзларни кўпчиликдан эшитиш мумкин. Чунки бу ерга келган киши ноумид қайтмайди. Ўтган йилнинг ўзида 96 нафар фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал этилган.

— Жамоамизнинг шаклланишида партия Жамоатчилик қабулхонасининг алоҳида ҳиссаси бор, — дейди кураш клуби раҳбари Ҳақберди Норбоев. — Клубимиз 2001 йилда ташкил этилган. Баркамол авлод йилида эса теннис ва гимнастика тўгараклари фаолият бошлади. 200 нафарга яқин ўғил-қизни бирлаштирган клубда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари ҳам бор. Ўтган йили партия кенгаши туман, вилоят миқёсида ўтказилган кўплаб мусобақаларда қатнашишимизда ҳомийлар ёрдамини уюштирди. Бундан клуб аъзолари жуда мамнун.

— Қабулхонага келган мурожаатларни ижобий ҳал этишда халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутатларнинг хизмати катта бўлаяпти, — дейди туман партия кенгаши раиси Алишер Маматқулов. — Уларнинг ёрдамида кўплаб масалалар ечим топаяпти.

«Камар» маҳалласининг 4 минг нафарга яқин аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Ерни суғоришда баъзи бир муаммолар юзага келди. Туман Кенгаши депутати Исомиддин Очиловнинг саъй-ҳаракати, ҳокимлик ва ҳомий ташкилотларнинг бевосита ёрдами билан маҳаллага 3 километрли бетон ариқ ётқизилди. Натижада аҳолининг мушкули осон бўлди.

Мурожаатларда партия фаолларининг эътибори, депутатларимизнинг жонкуярлиги туфайли аҳоли орасида Жамоатчилик қабулхонасига ишонч ортиб бораяпти, электоратимиз вакиллари кўтараётган муаммолар эса барҳам топмоқда. Бундан аҳоли миннатдор...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

### Анжуман



# Истеъмолчи ҳуқуқи —

## қонун ҳимоясида

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари — қонун ҳимоясида» мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Унда сўзга чиққан Федерация раиси ўринбосари Акмал Эргашев ўтган йил Федерация ва унинг ҳудудий бирлашма ҳамда туман (шаҳар) жамиятлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор ишлар қилинганини таъкидлади. Шунингдек, Федерациянинг барча тизимларида 2011 йилга мўлжалланган вазифалар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб олингани қайд этилди.

Ҳозир Федерация тизимида 14 та ҳудудий бирлашма, 196 та туман (шаҳар) жамиятлари, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида 9 мингга яқин таянч гуруҳлари бўлиб, жами аъзолар сони 339 мингдан ортиқ.

Ўтган йили истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билими ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида «Чакана савдо қоидалари», «Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда нималарни билиш керак?» каби мавзуларда 3655 маъруза, 1069 та ўқув-семинар ҳамда 4068 та давра суҳбати ўтказилди. Шу билан бирга, телевидение, радио, газета ва журналларда тизимга оид масалалар кенг ёритилди, интернет тармоғида веб-сайт яратилди.

Анжуманда Тошкент шаҳри, Хоразм, Андижон, Жиззах ва Тошкент вилоятларининг ҳудудий бирлашмалари раислари иштирок этишди. Улар баъзи мутасадди ташкилот ва корхоналар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларга нисбатан кўрилаётган чоралар хусусида гапириб, журналистларнинг саволларига батафсил жавоб беришди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

### Хорижда

# Муваққат ҳукумат қарори



***Тунисда тузилган муваққат ҳукумат раҳбарлари собиқ президент қилмишидан келиб чиқиб, партия аъзолигидан воз кечди.***

Республика раҳбари вазифасини бажараётган Фуад Мбазаа ва бош вазир Муҳаммад Ганнуши собиқ президент Зин ал-Обидин бен Али ташаббуси билан тузилган Демократик конституцион жамият партияси сафидан чиққанликларини эълон қилди. Маълумотларга кўра, партия ҳам тез орада вазиятга мослашган, яъни ўз вакиллари сафидан собиқ диктаторни ва унинг бошқа маслакдошларини чиқарган. Муваққат ҳукумат янги сайловларга қадар партиявий ҳукмфармоликдан воз кечилишини маълум қилди.

Тунисда ҳамон қон тўкиш давом этмоқда. Касаба уюшмалари раҳбарлари илгари амалда бўлган шахслар муваққат ҳукумат таркибидан чиқиб кетмас экан, тартибсизлик давом этишини билдирган. Маълумотларга кўра, ҳозирга қадар 78 нафар одам қурбон бўлган, юздан ортиқ киши турли даражада жароҳат олган.




# Самолёт етказиб бериш яна кечикди

***Американинг «Боинг» корпорацияси нисбатан камхарж ва узоқ масофага танафуссиз учадиган йўловчи ташувчи «Boeing-787 Dreamliner» реактив авиалайнерларни буюртмачиларга етказиб бериш муддатини йилнинг иккинчи ярмига қолдирди.***

Маълумотларга кўра, бу типдаги самолёт синови муваффақиятсиз якун топган. 2008 йилдан буён корпорация ҳар бири 150 АҚШ долларидан 205 миллион доллargача қийматга эга 800 та «Boeing-787»ни етказиб бериш учун шартнома имзолаган. Айрим буюртмачилар бу — сўнгги кечиктириш бўлади, деб умид қилмоқда, акс ҳолда, улар шартномани бекор қилишмоқчи.

# Мактаб яқинида қўпорувчилик

***Покистоннинг Пешовар шаҳрида жойлашган мактаб яқинида қўпорувчилар томонидан бомба портлатилиши туфайли бир киши ҳалок бўлди, 14 нафар одам оғир жароҳат олди.***

Жабр кўрганлар орасида мактаб ўқувчилари ҳам бор. Маҳаллий полиция аҳоли яшовчи кварталлардан бирида яна бир портлашнинг олдини олди. Номаълум шахс мазкур портловчи мослама ҳақида маълумот берган. Бу ўтган ўн тўққиз кун ичида мамлакатнинг шимоли-ғарбида содир этилган бешинчи қўпорувчилик ҳаракатидир.



Юксак маънавият – енгилмас куч

# Жиноят кўчасидаги аёл

## Оила, хонадон фариштаси, келажак авлод давомчиси — аёлнинг жиноят йўлига кириши жамият ҳаётидаги машъум иллатдир

Аёл – жамият гултожи, ҳаёт гўзаллигининг тимсоли. Дунёда аёл бор экан, энг гўзал ҳислар, энг инжу туйғулар мавжуд. Меҳр-муҳаббат, севги ва вафо, поклик ва ҳалоллик, ор-номус каби муқаддас тушунчалар, аввало, аёл қалбидан яралади. Донолардан бири айтганидек, токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамиша нимадир янги гап, яхши сўз айтиш мумкин.

Аёлга нисбатан неча юз йиллардан буён айтиб келинаётган бундай энг гўзал сўзлар тараққиётнинг юксак чўққисига кўтарилган XXI асрда ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ. Глобаллашув жараёни, ахборот-технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда ҳам аёллар жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллигини белгилашнинг мезонларидандир.

Аёллар туфайли яхши яшашга, бахтли ҳаёт кечиришга интиламиз. Бу мақсад учун курашиш инсоният яралгандан буён давом этиб келаётган ҳодисадир. Унга эришишда бошқаларнинг манфаатларига зиён етказмаслик, тинч ва осойишталикни таъминлаш учун барчамиз маълум қонун-қоидаларга амал қиламиз. Қонунни бузиш — бошқаларнинг манфаатига зиён етказиш, давлатга, жамиятга қарши ишдир. Шу боис ҳам бу «жиноят» деган совуқ ва машъум сўз билан ифодаланади.

Дунёда ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳар бир инсон турмуш тарзи, олдига қўйган мақсади, дунёқараши ва онгу тафаккури билан ўз йўлини танлайди. Айни шу жараёнда кимдир билиб-билмай, тасодифан, яна биров қасддан жиноят кўчасига киради. Ақли расо одам борки, бу йўлни қанчалик аянчли эканини яхши билади, тасаввур қилади. Чунки бу йўлнинг охири ўз эркини, озодлигини йўқотиш, ҳаётини заҳарлаш, жамиятдан узилишдир. Зотан, инсон учун озодлик ва эркинликдан кўра қадрлироқ неъмат йўқ.

«Жиноятчи» деган номни олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини тўла ифода этиш қийин. Чунки бу сўзни эшитибоқ, этимиз жимирлайди, «Худо сақласин», деймиз. Агар ана шу ном ҳаётимизда азиз ва муқаддас бўлган аёлга нисбатан айтилса-чи? Кўз ўнгимизда она, сингил, суюкли ёр бўлиб гавдаланадиган аёлни жиноятчи сифатида панжара ортида тасаввур қила оламизми?!

Бугун ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар билан эркаклар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик халқаро ҳужжатларга уйғун миллий қонунчилигимизда, аввало, Конституциямизда ўз аксини топган. Албатта, буларнинг барчаси нозик жинс вакилларининг камситилиши, ҳуқуқ ва манфаатлари чекланишининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Шу боис бугун йирик компаниялар ва корхоналарга раҳбарлик қилаётган, халқаро муносабатларда фаол иштирок этаётган аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизлар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мамлакатимизнинг биринчи ордени — «Соғлом авлод учун» деб номланиши ҳам баркамол авлодни дунёга келтираётган аёлларга ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.

Аммо афсус билан қайд этиш жоиз, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш борасидаги бундай эзгу ишларга қарамасдан, «аёл» деган муқаддас номга доғ тушириб, турли иллату жиноятлар ботқоғига ботаётганлар ҳам йўқ эмас.

...Икки нафар гулдай фарзанди эндигина балоғатга етай деганда Нафисани «шайтон йўлдан урди». Аввалига турмуш ўртоғининг ойлик маошига қаноат қилмай бозорга чиқди. Ҳар куни қўлидан жарақ-жарақ пул ўтиб ҳаволанди. Уй-рўзғор, фарзандлар тарбиясига «вақти етмай» қолди. Аксинча, ҳали яхши-ёмонни фарқига бормайдиган болаларини ҳам пулга ўргатди. Нафси ҳакалак отди. Қўшни мамлакат фуқаросининг мўмай пул ишлаш ҳақидаги қинғир таклифига лаққа тушган Нафиса жиноятга қўл урди. Гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғулланаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан озодликдан маҳрум этилди.

Албатта, у жиноятига яраша жазо олди, бироқ унинг оиласи-чи? Ҳалол ишлаб кун кечираётган турмуш ўртоғи жиноятчи аёл билан яшамайман, деб ажралиш учун ариза берди. Истаганича пул сарфлаб ўрганган қизи эса безориларга қўшилиб, иффатини йўқотди, бузуқлик кўчасига кирди. Мактабни эндигина битираётган ўғли гиёҳванд бўлиб қолди.

Биргина аёлнинг калта ўйлаши, иродаси сустлиги туфайли гулдай бир оила барбод бўлиб, фарзандлар азоб-уқубатларга учради. Хўш, бунга ким айбдор? Қамоқхонада ўтирган Нафиса шу ҳақда қайта-қайта ўйлар экан, буларнинг барчасига ўзимнинг ношукрлигим, нафсим сабаб, деган қарорга келди. Аммо энди кеч...

Мутахассисларнинг фикрича, аёллар содир этадиган жиноятлар асосан иқтисодий жиноятлар — ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳванд моддалар савдоси, фоҳишалик каби иллатлар билан боғлиқ. Нима учун айнан иқтисодий жиноятлар? Балки аёллар оиладаги моддий етишмовчиликни катта фожиа, деб билишар? Лекин жиноят содир этган аёлларни ҳаммасининг оиласида ҳам моддий етишмовчилик бор, деб бўлармикан. Кўп ҳолларда ортиқча зеб-зийнатга, мол-дунёга ҳирс қўйиш аёлларни жиноят йўлига бошламаётганмикан. Халқимизнинг «Ойда еган тўқ, кунда еган суқ бўлур», деган мақоли ана шундай кимсаларга нисбатан айтилган бўлса ажаб эмас.

Сабр-қаноат, ирода ва матонат, бағрикенглик азалдан халқимиз, айниқса, аёлларимиз учун фазилат бўлиб келган. Етим-есирларнинг бошини силаб, ўз фарзандидек улғайтирган, рўзғордаги камчиликларни ошкор қилмасдан, боридан баракали фойдаланаётган аёлларимиз ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Халқимиз ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан машҳур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оиласини сақлаб қолиш, фарзандларининг бахту саодати, иқболи учун ҳамма нарсага тайёр туриш ўзбек аёлига хос бетимсол фазилатлардан эмасми. Ота-боболаримиз, айниқса, қиз боланинг тарбиясига энг нозик ва муҳим масала сифатида алоҳида эътибор қаратганлар. Саҳиҳ ҳадисларнинг бирида «Фарзандларингизга бир хил муомалада бўлинглар, агар улардан бирортасини устун қўйиш керак бўлса, қизларингизга кўпроқ аҳамиятли бўлинг», дейилган.

Шунчалар эътибор ва эъзозга қарамасдан ор-номус, ҳаё, иффатдан воз кечиб, жиноят кўчасига кираётган аёлларнинг учраётгани афсусланарли. Бу нафақат бугунги кун, балки келажак авлод ҳаётига ҳам раҳна соладиган аянчли иллатлардан биридир.

Аёллар сақланаётган жазони ижро этиш муассасаларидан бирига бордик. Қамоқхонанинг залворли темир эшиклари очилиб, соқчилар назоратида бўлган аёллар истамайгина қадам ташлаб, ҳовлига чиқишди. Уларнинг ҳар бирида дунёларга сиғмас дард, армон, алам, тоғдек пушаймон бор. Дилларини соғинч, айрилиқ, афсус кемирмоқда. Улар берилган жазо муддати қачон тугаши ҳақида эмас, кўпроқ эртанги тақдирлари ҳақида ўйлаб эзилади. Шу ҳақда хаёл сурар экан, ўз-ўзидан ваҳимага тушади. «Қамалган» деган ном кўксиларини оловдек куйдиради.

— Мен исмимни айтишга ҳам уяламан, — дейди 28 ёшлардаги кўҳликкина жувон. — Чунки шу ерда ўтиришимнинг ўзи азиз ва муқаддас саналган она тимсолига, аёл номига бўлган хиёнатдир. Минг афсус, буни жуда кеч — шу ерга келганимдан кейингина англадим. Иродамнинг сустлиги, турмушдаги оддий муаммоларни «кўпиртириш», ҳаётга, оилага енгил қараш мени шу кўйга солди...

«Эр кишининг ор-номуси ўлгунча ўзи ўлсин», деган гап бежиз пайдо бўлмаган. Бу гап хотин-қизларга ҳам бирдек тегишли. Шу маънода аёл кишининг жиноятга қўл уриши нафақат эрига, балки оиласига, ор-номусига қарши оғир жиноятдир. Улуғ алломаларимиздан бири таъкидлаганидек, «Қайси бир миллатни яксон қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини — бўлажак оналарининг тарбиясини издан чиқаринг. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, унинг қизларини — бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг».

Миллат танламас, чегара билмас «оммавий маданият» бутун дунёга ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Миллатнинг эртасига, келажак авлод тақдирига чанг соладиган бундай ёвуз мақсадлар жамиятнинг энг нозик, айни пайтда энг муҳим нуқтасини заҳарлашга ҳаракат қилади. Миллий маънавиятимиз асоси бўлган оиладаги ижтимоий муҳитга, фарзандлар тарбиясига, эру хотин ўртасига бузғунчилик уруғини «қадайди».

Хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром билан қараш, аёлни улуғлаш, эру хотин ўртасидаги муносабатларда аждодларимиздан ўтиб келаётган анъаналар ҳар қандай ҳолатда энг тўғри ва оқилона иш тутишга ундайди. Бунга беписандлик билан қараган, «оммавий маданият» таъсирига тушган аёл охир-оқибатда жиноят кўчасига кириши ҳеч гап эмас.

Хотин-қизларнинг ўз жонига қасд қилишга уриниши ҳам айни шу иллат туфайлидир. Манманлик ва худбинлик, фақат ўз қизиқиш доирасигагина боғланиб қолиш, иродасизлик туфайли келиб чиқаётган бу ҳодиса хотин-қизларимиз шаънига доғ тушираётган энг аянчли масалалардан биридир.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида қуйидагиларни таъкидлайди: «Ирода — бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади.»

***Оилада, турмушда эр-хотин бир-бирига ана шундай ҳамроҳ бўлади. Турмушнинг аччиқ-чучугига чидамасдан оғир жиноятга қўл уриш — ўз жонига қасд қилиш нафақат калта ўйлаш, ҳаётга енгил-елпи қараш, айни пайтда иймон ва эътиқоднинг сустлиги натижасидир.***

Ҳа, ўз жонига қасд қилиш ҳам жиноят, инсон ҳаётига қарши қаратилган оғир жиноят. Фақат бунда жиноятчи ҳам, жабрланувчи ҳам унинг ўзидир. Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламида шундай ҳадис бор: «Бир киши ўзини-ўзи жароҳатлаб ўлдирди. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам мендан илгари ўз жонини ўзи олди, уни мен жаннатдан маҳрум қилдим!» — деди».

Ана шундай ишга қўл урган ва тақдир тақозоси билан тирик қолган Дилшода бундай дейди: ўша пайтда инсоннинг бу қилган иши кўз ўнгида шундай гавдаланадики, шу ондаёқ қанчалик оғир гуноҳга, кечириб бўлмас хатога йўл қўйганини тушуниб етади. Бу азиз ҳаёт, оилавий бахт бир сонияда қўлдан чиқиб кетаётгани кўз олдингда намоён бўлади. Аёл учун аслида оилавий бахт, фарзандларининг камолидан кўра улуғроқ неъмат йўқ...

Аёл деганда, кўз олдимизда аввалабор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак арзийди, албатта. Бугун жамиятимизда ана шундай улуғ номга доғ тушираётган аянчли ҳолатлар барчамизни ҳушёр ва огоҳликка чорлаши табиий.

Жамиятимизда учраётган ҳар бир иллатга, жумладан, хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ ҳар қандай муаммога қарши ҳамжиҳатликда курашиш — оиламизнинг, шу азиз Ватанимизнинг порлоқ келажаги учун курашиш демакдир.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

Иқтисодиёт ва ислоҳот

SAVDOGAR BANK



# Хизмат турлари кенгаймоқда

Мамлакатимиз молия бозорида мустаҳкам мавқега эга Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки жамоаси бугунги кунда мижозларга хизмат кўрсатиш борасида анчагина ижобий натижаларга эришмоқда. Айниқса, кейинги йилларда хизмат турлари кенгайиб, фаолият кўрсатиш универсаллашди.

Албатта бунда тизимнинг вилоятлардаги филиалларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Банкнинг Денов филиалида эришилаётган натижалар ҳам буни кўрсатиб турибди.

Мижозларга хизмат кўрсатишни энг юқори даражага етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган филиал жамоаси бир қатор нуфузли молия муассасалари тажрибасидан унумли фойдаланмоқда. Бу эса халқаро «Вестерн Юнион» хизматидан фойдаланиш имконини яратди. Тезкор пул ўтказиш шохобчаларида «Вестерн Юнион», «Анелик», «Контакт», «Интер экспресс», «Мигом» каби пул ўтказмалари орқали мижозларга хорижий валютада маблағ ўтказиш ёки қабул қилиш имконияти яратилмоқда.

Банкнинг Денов филиали ҳозирги кунда 631 та мижозга хизмат кўрсатмоқда. Булардан 72 таси давлат ташкилоти, 255 таси деҳқон хўжаликлари, 267 таси хусусий фирма, кичик корхона ҳамда 37 та якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлардир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан анчагина ишлар амалга оширилди.

Банк филиали хазинасига 2010 йил давомида 9823751,3 минг сўм нақд пул кирим қилинди, чиқим 8424776,8 сўмни ташкил этди. Нақд пул тушумига эга ташкилот, корхона ва фирмалар сони 128 та.

2011 йил 1 январь ҳолатига банк мижозларидан 57 тасига пластик карточкалар орқали савдо қилиш учун терминал ўрнатилган.

Филиал жамоаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳаси вакилларига ҳам астойдил хизмат кўрсатмоқда. Ўтган 2010 йилда пахта етиштириш учун қарийб бир ярим миллиард сўм, ғалла ҳосили етиштириш учун 225,7 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишидир.

Ўтган йил давомида банк филиали томонидан мижозларга жами 1 млрд. 370,2 млн. сўм кредит ажратилган.

Шундан савдо ташкилотларига 624,0 млн. сўм, ишлаб чиқариш ва сервис хизмати учун 167,3 млн. сўм, чорвачиликни ривожлантириш учун 25,0 млн. сўм, паррандачиликка 30,0 млн. сўм, асаларичилик учун 30,0 млн. сўм, 7,2 млн. сўм таълим кредити, фермер хўжаликларига картошка уруғини сотиб олиш учун 36,3 минг сўм, 34 та фуқарога чорвачиликни ривожлантириш учун 102,6 млн. сўм ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғит ва ёқилғи сотиб олиш учун 84,8 млн. сўм, намунали уй-жойлар учун 12 та мижозга 263 млн. сўм, яхна ичимлик ишлаб чиқариш учун 100 млн. сўм кредит ажратилди.

Ушбу молиявий кўмакдан аҳоли катта манфаат кўрмоқда. Яъни улар ўзларининг иш фаолиятларини ривожлантирмоқдалар, айланма маблағларни тўлдириб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшиламоқда.

Ҳар бир мижозга намунали банк хизматлари кўрсатиш, оилаларга кредит бериш, ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш, аҳолининг ишончини қозониш соҳа ходимларининг кундалик вазифасига айланиб қолган.

Масалан, «Мароқанд-Денов парранда» хусусий корхонаси раҳбари Суннаттило Орзиқулов ушбу филиал мижози сифатида анчагина ютуқларга эришди, банк филиалидан паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 50 миллион сўм кредит олди. Эндиликда бу корхонада етти мингта товуқ парваришланиб, кунига 3500 донадан тухум олиниб, эл дастурхонига етказилаяпти. Корхонада 12 та янги иш ўрни яратилди.

Баҳром Султонов раҳбарлигидаги «Сурхон ҳамкор» масъулияти чекланган жамияти эса яхна ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Яқинда у банк филиалидан юз миллион сўм кредит олди. Корхона маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. 15 та янги иш ўрни яратилди.

Бобурбек Мустафоев эса асаларичиликни ривожлантириш учун банк филиалидан ўттиз миллион сўм кредит олганди. Ҳозир бу ерда 120 қути асалари уяси парвариш қилинмоқда. Бешта иш ўрни ҳам яратилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жамоа ходимлари мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга, банкнинг ликвидлигини кўтариб, даромадларини кўпайтиришга ҳам эришмоқдалар.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

t

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Бухоро вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси

**Султон ДАВРОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзХДП электорат манфаати

# Ногиронни талаш

## ёки инсоф унутилганда...

Усмонжон Машарипов йигирма беш ёшда. Туғма ногирон. Шу боис онаси қарамоғида. Муқаддам ногиронлиги учун нафақа олиб келган. Аммо оила аъзоларининг бефарқлиги туфайли нафақаси узайтирилмаган.

2009 йил ноябрь ойида ўғлини вилоят касалхонасида даволатишга йўлланма-ордер олиш учун туман марказий шифохонасига борган аёлдан ҳеч тап-тортмай ордер учун юз минг сўм сўрашади. Ким дерсиз? Янгибозор туман тиббиёт бирлашмаси кўз шифокори Равшанбек Гулмонов.

Онаизор нима қилсин? Айтилган пулни топиб беради.

2010 йил март ойида Р.Гулмонов она-болани кўп умидвор қилиб, вилоят касалхонасига боришга ундайди. Бу ерда ҳам «ишларингизни тез битказаман» деб яна юз минг сўм олади.

Онанинг мақсади ногирон ўғлини касалхонама-касалхона олиб юриш эмас, балки муқаддам берилиб келинган ногиронлик нафақасини қайтадан тиклаш эди. Шу боис, икки марта «хизматини битказган» шифокорга бу ҳақда оғиз очади. Равшанбекка айнан шу керак эди. «Неча йил муддатга ногиронлик нафақасига чиқармоқчисиз?» деб сўрайди. «Икки йилга чиқарсам дейман» деб каловланади аёл. «Ундай бўлса икки юз минг сўм берасиз!» дейди «ҳожатбарор шифокор». Онаизор бунча пули йўқлиги, эри иккови қарилик нафақаси билан беш нафар фарзандини боқаётганини, озроқ пул бериши мумкинлиги айтиши билан Равшанбек: «Ундай бўлса олинг ҳужжатларингизни! Тўрт томонингиз қибла!» дейди дағдаға қилиб.

Иложсиз қолган аёл айтилган миқдорга кўнади. Ҳар йили харажат қилавеоишдан безган онаизор ўғлини биратўла умрбод ногиронлик нафақасига чиқазиш истагини айтиб, «Бу . . . беш юз — олти юз минг сўмга битадими?» деб сўрашга журъат қилади. Равшанбек бош чайқайди: «Йўқ бунга кўпроқ керак!»

Равшанбек Гулмонов тиббий назорат комиссияси аъзоси сифатида беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш, кўп тармоқли тиббиёт марказида бепул даволанишга юбориш учун йўлланма бериш ваколатига эга шифокор.

Бу унинг бажариши лозим бўлган вазифаси. Бунинг учун давлат унга маош бериб қўйибди. У эса... таъмагирлик йўлини тутди. Жарақ-жарақ пулни олиб, маза қилиб яшамоқчи бўлди. Яна кимдан? Туғма ногирондан.

. . . Энди у умрининг беш йилини қамоқда ўтказишга маҳкум. Яна уч йил тиббиёт соҳасидан ҳам бадарға қилинди.

Усмонжон эса қонуний ногиронлик нафақасини оляпти.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Китоб жавонингизга

# Менинг Ватаним

## дунёдаги энг гўзал мамлакатдир

«Бола туғилаётганда ўзига Ватан танламайди — пешонасига ёзилган жойда дунёга келади. Мендан ҳам доғистонлик бўласанми, деб ҳеч ким сўрамаган. Агар ўзга ота-онадан, дунёнинг ўзга жойида туғилганимда, мен учун ўша жойдан қадрли жой бўлмас эди».

Ҳа, машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов Доғистонда туғилган ва умри бўйи шу юртни дунёдаги энг гўзал мамлакат деб унинг тоғларини, одамларини, тарихини улуғлаб ўтди, Ватанига садоқат билан, фидойилик билан хизмат қилди.




Улуғ шоирнинг ҳаёт китоби деб таърифланган «Менинг Доғистоним» асарининг бош мавзуси — Ватан! У асарида Ватанга бўлган меҳрни тараннум этади. Шоир дунёдаги барча ҳодисаларни ўз уйи, ўз овули, ўз Доғистони мисолида ҳис қилиш билан кифояланмайди, аксинча, дунёдаги барча ҳодисаларни Ватанга бўлган меҳрига йўғириб ифода этади. Мазкур асарнинг моҳияти ҳам, бадиийлиги ҳам, умрбоқийлиги ҳам шунда.

Дунёдаги энг қадимий қўлёзмалардан бири ҳисобланадиган «Авесто»даги қуйидаги ҳикматга эътибор беринг: «Ҳар бир инсон ўзи ўсиб-улғайган мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи керак». Бу умуминсоний ҳикмат «Менинг Доғистоним» асарида ўзига хос оҳангда ифодасини топган. Шу боис, китобдаги Кавказ халқлари ривоятлари, ҳикматлари, ибораларини, асар руҳига йўғрилиб кетган шоирнинг пурмаъно шеърлари, қизиқарли кўрган-кечирганлари, эсдаликларини, Ватан, тил, миллат, одам, халқ, урф-одат, қадрият ҳақидаги мушоҳадаларини ўқир экансиз дилингизда китобдаги мисраларни такрорлайсиз: «Мени Ҳиндистоннинг ибодатхоналари, Мисрнинг эҳромлари, Италиянинг ёдгорликлари кечирсинлар, мени Америка шоҳ кўчалари, Париж хиёбонлари, Англия боғлари, Швейцария тоғлари ҳам кечирсинлар, мени поляк, япон, итальян гўзаллари ҳам кечирсинлар...» Юрагингиздаги, шууриngиздаги меҳр тилингизга кўчади: «Менинг туғилиб ўсган Ўзбекистоним бор. Мақтаса мақтагулик ўз ёдгорликларимиз, кўчаларимиз, хиёбонларимиз, боғларимиз, тоғларимиз бор. Зар дўппи, атлас кўйлак кийиб, узун сочини елкасига қирқ кокил қилиб ташлаган ўзбек гўзалига дунёдаги ҳеч бир гўзал тенглаша олмайди».

«Менинг Доғистоним» асари қалбларда ана шундай Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга садоқат, урф-одатларга ҳурмат туйғуларини уйғотадиган китоб. Шу сабабдан асарнинг биринчи китоби 1967 йилда чоп этилиши билан ўқувчилар ўртасида машҳур бўлиб кетди, жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Жумладан, асарнинг бошланғич қисми шоир Эркин Воҳидов томонидан ўзбекчага ўгирилди ва 1968 йили «Гулистон» журнали саҳифаларида бериб борилди. Расул Ҳамзатов китобхонларнинг таклиф-истакларини инобатга олиб, ёзиб тугаллаган «Менинг Доғистоним» асарининг иккинчи китобини 1971 йилда чоп эттирди. Афсуски, ўтган йилларда жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган бу асар тўлиқ ҳолда ўзбек тилига ўгирилмади.

Ниҳоят, Расул Ҳамзатовнинг жуда катта маърифий, тарбиявий ва бадиий қимматга эга «Менинг Доғистоним» асарининг ҳар икки китобини ҳам истеъдодли шоир Асрор Мўмин таржима қилди ва «Тафаккур» нашриёти томонидан икки китоб яхлит ҳолда нашр этилди. Тез орада ўқувчилар қўлига етиб борадиган бу мумтоз асар Расул Ҳамзатов мухлисларига, адабиёт ихлосмандларига ажойиб туҳфа бўлади.

**Малика УБАЙДУЛЛАЕВА**

Ташаббус

# «Ҳар биримиз 20тадан кўчат экамиз»

Андижонда «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт кўчати — менинг туҳфам» шиори билан ибратли ташаббус бошланди.

— Маҳалламиз хайрли ташаббусга қўшилди, — дейди Олтинкўл тумани, Қайирма маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зокиржон Кенжаев. — Барчамиз кўкламда 20 тупдан ошириб, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экамиз.

— Партиядошларимиз дарахт кўчатлари ўтқазиш, ободонлаштириш тадбирларида фаол қатнашишни ният қилишди, — дейди ЎзХДП Андижон вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Муҳаммаджон Йўлдошев. — Ҳозирдан кўчат экиладиган жойлар аниқланиб, ниҳоллар сараланяпти.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Футбол




Ҳасан ПИРМУҲАМЕДОВ олган сурат.

# 21 январь. Ўзбекистон — Иордания

## Кеча Қатарда Осиё кубоги гуруҳ ўйинлари ниҳоясига етди ва барча чорак финал қатнашчилари маълум бўлди

Хабарингиз бор, «А» гуруҳида пешқадамликни қўлга киритган Ўзбекистон миллий терма жамоаси «плей-офф» босқичида «В» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Иордания футболчиларига қарши майдонга тушади. Эътиборли жиҳати, ҳар икки жамоа аъзолари ҳам гуруҳ баҳсларини юқори кайфиятда бирорта мағлубиятсиз ниҳоясига етказишди. Мазкур ўйин 21 январь куни соат 21.25 да бошланади.

Ушбу муҳим учрашув олдидан жамоаларнинг имконияти қандай? Шу кунгача Ўзбекистон ва Иордания футболчилари ўзаро тўрт маротаба рўбарў келишган. Шулардан иккитаси 2002 йилги жаҳон чемпионати биринчи саралаш босқичи баҳслари доирасида ўтказилган бўлиб, Тошкентда ўтган учрашувда 2:2, Амманда эса 1:1 ҳисоблари қайд этилган. Бундан ташқари, жамоалар икки бор ўртоқлик учрашувида ўз омадларини синаб кўришган. Жумладан, 2008 йил 22 мартда «Пахтакор» Марказий стадионида уюштирилган баҳсда ҳамюртларимиз 4:1 ҳисобида зафар қучишган бўлса, охирги ўйин шу йилнинг 2 январида Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтди. Унда томонлар яна муроса йўлини танлашди – 2:2.

Бир қарашда жамоаларнинг имконияти тенгдек кўриниши мумкин. Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати чорак финал босқичига учинчи маротаба йўлланмани қўлга киритишга муваффақ бўлди. Иорданияликлар эса бу кўрсаткични иккинчи маротаба қайд этишмоқда.

Олдинда ҳар икки жамоани жуда муҳим ва шиддатли баҳс кутмоқда. Бу ҳақда жамоалар бош мураббийлари фикри қандай?

**Вадим АБРАМОВ, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:**

— Осиё Кубоги баҳсларида Иордания жуда яхши ва кучли жамоа эканлигини барчага кўрсатиб қўйди. Осон бўлмаган «В» гуруҳида иорданияликлар бирор марта ҳам мағлуб бўлишмади. Бундан ташқари, Иордания таркибида жуда моҳир ҳужумчилар мавжуд. Улар ҳужумни унумли якунига етказишни қойиллатишади. Хуллас, мен бу жамоага қаттиқ ҳурмат билан қарайман.

**Аднан ҲАМАД, Иордания терма жамоаси бош мураббийи:**

— Чорак финалда биз жуда кучли жамоага қарши баҳс олиб боришимизга тўғри келади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи биз билан финалда майдонга тушишни хоҳлашини айтган эди. Рақибимизнинг таркибидаги футболчилар кучли ва тезкор. Шунинг учун ҳам ярим финал йўлланмасини қўлга киритиш биз учун осон бўлмайди.

**(Ўз мухбиримиз).**

Ўзбекистон ифтихорлари

### Акобир ҚУРБОНОВ:

# Мен учун ҳар бир ютуқ қадрли

Президентимиз Фармонига кўра, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида самбо бўйича кўп карра Осиё ва жаҳон чемпиони, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати олтин медали совриндори, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, Ички ишлар вазирлиги Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник Акобир Қурбонов ҳам бор.



**— Аввало, сизни «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлганингиз билан табриклаймиз. Ушбу эътирофдан кейин кўнглингиздан қандай ўй-хаёллар кечди?**

— Мен самбо ва кураш бўйича жуда кўплаб йирик халқаро мусобақаларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олганман. Ҳар сафар ғалабаларим шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида қалбим ҳаяжонга тўлади, кўзларимга ёш келади. Буни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Лекин Президентимиз Фармонига кўра, орден билан тақдирланганимни эшитган вақтдагидай ҳаяжонланмаган эдим. Эндигина 36 ёшга тўлган йигит учун буни жуда катта мукофот, деб биламан.

Болалигимдан кураш ва самбо спорт турларига меҳр қўйдим. Бунинг бош сабабчиси албатта, отам Собир Қурбоновдир. Мактабни битиргач, Ўзбекистон Ички ишлар академиясига ўқишга кирдим. Бу ерда чуқур билим олиш ва етук мутахассис бўлиб етишиш кишидан нафақат тиришқоқликни, балки жисмонан кучли ва иродали бўлишни ҳам талаб этади. Бу маскан мени маҳоратли спортчи этиб тарбиялади. Ўқишни тамомлагач, ўз тақдиримни Академия билан боғладим. Айни чоғда устозлардан олган билимларимни бойитиб, мамлакатимизнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига етук мутахассисларни тарбиялаб беришга ўз ҳиссамни қўшиб келяпман.

Ота-бобомиз курашчи бўлган. Бўш вақтим бўлди дегунча спорт залига ошиқаман. Машғулот менга қўшимча куч бағишлайди, кайфиятимни кўтаради, тетик қилади. Ўтган йили Пекинда илк маротаба жанговар спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда 90 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқиб, олтин медаль билан тақдирландим. Сездимки, ҳали ҳам бемалол спорт мусобақаларида ўз омадимни синаб кўришим мумкин. Шу йилнинг июнида Тошкентда самбо бўйича Осиё, ноябрь ойида эса Литвада жаҳон чемпионатлари ўтказилади. Ниятим ана шу мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришдир.

**— Сизнинг ёшингиздаги аксарият спортчилар аллақачон мураббийлик фаолиятини бошлаб юборишган...**

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Академиямизда самбога меҳри тушган ёшлар талайгина. Ҳозирда ўнлаб ана шундай изланувчан ва тиришқоқ йигитларга самбо сирларини ўргатиб келяпман. Шу кунгача шогирдларим орасидан беш нафари спорт устаси, икки нафари халқаро тоифадаги спорт устаси унвонларини қўлга киритишди. Осиё ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ҳамда совриндорлари қаторидан жой олишди. Бир сўз билан айтганда, Академияда устоз-шогирд анъанасига доимо амал қилиб келяпмиз.

**Эркин ХОЛБОБО**
**суҳбатлашди**

# Равшан Эрматов — кучлилар сафида!

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёнинг энг яхши футбол ҳакамлари рўйхатини эълон қилди.

2010 йилнинг энг яхши ҳакамларини аниқлаш мақсадида 83 мамлакат экспертлари ўртасида ўтказилган сўровда 128 балл жамғарган ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов йигирма ҳакам ўртасида иккинчи ўринга лойиқ топилди.

Бундан ташқари, IFFHS мутасаддилари 2001-2010 йилларнинг энг яхши ҳакамларини ҳам аниқлади. Халқаро фаолиятини 2003 йилда бошлаган 33 ёшли Р.Эрматов сўнгги ўн йилликнинг энг кучли ҳакамлар рўйхатида йигирма олтинчи поғонада қайд этилди. Бу Осиё бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Р.Эрматов 2010 йили Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида энг кўп — беш учрашувда бош ҳакамлик қилди. Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) Р.Эрматовни кетма-кет учинчи маротаба Осиёнинг «Энг яхши ҳаками», деб эълон қилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**



**ОБ-ҲАВО 20-21.01. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 5°C | 7°C |
| Самарқанд | 2°C | 7°C |
| Нукус | -2°C | 3°C |
| Қарши | 7°C | 12°C |
| Урганч | -2°C | 3°C |
| Навоий | 3°C | 8°C |
| Фарғона | 2°C | 7°C |
| Бухоро | 3°C | 8°C |
| Андижон | 2°C | 7°C |
| Наманган | 2°C | 7°C |
| Термиз | 7°C | 12°C |
| Жиззах | 2°C | 7°C |
| Гулистон | 2°C | 7°C |
| Тошкент вил. | 2°C | 7°C |
| Лондон | 2°C | 1°C |
| Париж | 0°C | 2°C |
| Москва | -11°C | -12°C |
| Мадрид | 5°C | 1°C |
| Пекин | 9°C | 7°C |
| Гонгконг | 12°C | 10°C |
| Рим | 5°C | 3°C |
| Анқара | -1°C | 1°C |
| Токио | 0°C | 1°C |
| Стокгольм | -4°C | -4°C |
| Кейптаун | 15°C | 17°C |
| Қоҳира | 9°C | 7°C |
| Гавана | 20°C | 20°C |
| Вашингтон | 1°C | 3°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 149
19348 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.30
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5